

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Педагогика факультети

Муסיқий таълим кафедраси ўқитувчиси

М.М. Мирабдуллаевнинг

XX асрнинг сўнги чорагида Ўзбекистонда
анъанавий кўшиқчилик санъати мавзудаги

ИЛМИЙ МАҚОЛАСИ

Наманган-2017

XX асрнинг сўнги чорагида Ўзбекистонда анъанавий қўшиқчилик санъати.

М.М. Мирабдуллаев.

НамДУ муסיқий таълим кафедраси ўқитувчиси

Ҳар қандай даврда ҳам инсонлар дунёқараши ўзидан аввалги аجدодлардан нимаси биландир фарқ қилади ва ўзгаради.

Бу асрлар давомида такрорлананиб келаётган табиий ва ижтимоий жараёнدير. Ушбу жараён ўзбек қўшиқчилигида 1975-2000 йилларда яққол кўзга ташланди. Ўзбек қўшиқчилигининг шу яқин давригача бўлган ривожланиш босқичларига назар солар эканмиз, бир қатор қўшиқчилар эл юрт назарига тушиб, машҳурлик даражасига эришганлигига гувоҳ бўламиз. Булар Юнус Ражабий, Комилжон Отаниёзов, Мамуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Ориф Алимахсумов, Фаттоххон Мамадалиев, Фахриддин Умаров, Тавваккал Қодиров, Муроджон Ахмедов, Коммуна Исмоилова, Берта Давидова, Қувондиқ Искандаров ва яна бир қанча забардаст қўшиқчилар эди.

Юқорида номи келтирилган қўшиқчиларни то 1950 йилларгача яшаб ижод қилган ҳофизлардан омадли бўлишди десак асло муболаға бўлмайди. Бунинг боиси, 1960 йиллардан кўпчилик ўзбек хонадонларига радио ва телеведениянинг кириб келиши эди.

Энди шинавандаларда муסיқа санъатининг энг оммалашган тури бўлмиш қўшиқ санъатидан бевосита бахраманд бўлиш имконияти янада кенгайди. Авваллари шинавандалар фақат турли сахналарда, турли давраларда, тўй ёки чойхоналардагина қўшиқ тинглашга муяссар бўлишгани сир эмас.

Энди қўшиқчилар ҳам радио ва телеведения орқали чиқишлар қилиб, халқ оммасига танилиб, ўзларига кўплаб мухлислар орттириш имкониятга эга бўлишди.

Тошкентда Муллатўйчи Тошмухаммедов номли грампластинкалар корхонасининг ишга тушиши ҳам, кўшиқчиларнинг эл орасида танилиб мухлис орттиришига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

1950 йилларгача кўшиқчилик амалиётида чолғу созларидан танбур, дутор, доира асосий жўрнавозлик созлари сифатида қўлланиб келинган бўлса, 1970 йиллардан бу чолғулар сафига ғижжак, най, чанг, кашқар рубоби, афғон рубоби, кўшнайн, тор каби созлар қўшилди.

Хоразм кўшиқчилигининг сардори машхур хонанда ва бастакор Комилжон Отаниёзов, кавказ халқлари чолғуси ҳисобланган тор чолғусини ўзбек кўшиқчилигида муқим жой олишига сабабчи бўлди. Бу забардаст кўшиқчининг басталаган барча асарлари, хоразм мақомлари ҳамда дostonлари замирида яратилган десак тўғри бўлади.

Комилжон Отаниёзов хоразм кўшиқчилики анъаналарига содиқ қолди ҳамда ўзи яратган нодир кўшиқлари билан уни янада бойитди.

Бизга маълумки, 1950-60 йилларда Петросян ва ўзбек чолғу усталари томонидан кўпгина чолғу созлари қайта ишланди ва улардан чолғу ансамблларида фойдаланила бошланди.

Машхур бастакор Муҳаммаджон Мирзаев қайта ишланган кашқар рубоби учун қатор куйлар яратиб, бу чолғу созини Ўрта Осиёда оммалашувига сабабчи бўлди. Унинг Маъмуржон Узоқов билан ижодий ҳамкорлиги кашқар рубобини ўзбек кўшиқчилигида асосий жўрнавозлик созларидан бўлиб қолишига асос бўлди.

Маъмуржон Узоқовнинг ижодига қисқа разм солиб ўтадиган бўлсак, унинг ижро услубида Тошкент-Фарғона катта ашулачилик анъаналари етакчи ўрин эгаллаганлигини кўраимиз. Ҳофизнинг “Суратинг”, “Кўзларинг”, “Даво истаб”, “Ёлғиз” кўшиқлари унга мислсиз шуҳрат келтирди.

Маълумки, Ўзбекистонда кўшиқчилик доимо икки йўналишда ривожланиб келган:

Биринчиси, оғзаки анъанадаги устозона профессионал йўналиш бўлиб, унга мақом кўшиқчилиги, катта ашулачилик, дostonчилик ёки бахшичилик

кўшиқчилиги киради. Булар ҳамisha устоз-шогирд услубида асрлар давомида ривожланиб келган. Иккинчи йўналиш оммавий йўналиш бўлиб, яллагилик, лапар ҳамда замон талабидан келиб чиқиб яратилган маиший мавзудаги кўшиқлар хисобланади.

1975 йилларга келиб ўзбек оммавий кўшиқчилиги санъатига бир қатор ёш ва иқтидорли кўшиқчилар кириб келди. Булар: Отажон Худойшукуров, Ортиқ Отажонов, Шерали Жўраев, Камоллидин Рахимов, Ҳайрулло Лутфуллаев, Хожакбар Хамидов, Тожиддин Муродов, Ўринбой Нуралиев, Нурридин Хамроқулов, Ахмаджон Шукуров, Икромжон Бўронов, Гуломжон Ёқубов каби хонандалар бўлиб, улар ўз овози ва ўз ижро услуби билан ўзбек кўшиқчилиги санъатини янада бойитишди. Шу даврда яшаб, ижод қилган бир қатор таниқли шоирлар Собир Абдулла, Чустий, Ҳабибий, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Пўлат Мўмин, Туроб Тўла, Акмал Пўлат каби шоирларнинг шеър ва ғазаллари кўшиқчиларнинг илхом манбаи бўлиб хизмат қилди.

Юқорида номи келтирилган кўпчилиги хонандалар мумтоз мусиқамиз меросига маълум даражада мурожат қилишган. Лекин улар репертуарининг катта қисмини ўзлари ҳамда бастакорлар яратган кўшиқлар ташкил этади.

Ушбу кўшиқчилардан уч нафарини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозим бўлади. Биз алоҳида кўрсатиб ўтмоқчи бўлган хонандалар кўплаб мухлислар орттиришган ҳамда ўз ижро услублари орқали ёш, истеъдодли кўшиқчиларни эргаштира олишган.

Худди шундай кўшиқчилардан бири, Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев десак янглишмаган бўламиз. 1970 йилларда грампластинкага туширилган “Биринчи муҳаббатим”, “Дилдорга нома ёздим”, “Ёр ухласин” каби кўшиқлари унга машхурлик келтирди. Кўшиқчининг овози драматик баритон бўлиб, жарангдор ва ёрқинлиги билан ажралиб туради. “Ўзбегим”, “Карвон”, “Яна баҳор”, “Шаршара”, “Тушимда кўрсам эди” каби бир неча юздан ортиқ турли мавзудаги дилрабо кўшиқларни ижод қилди.

Унинг ижро услубига ҳавас қилиб, бир қанча номдор кўшиқчилар етишиб чиқди: Қодир Мирашуров, Абдурауф Олимов, Нуриддин Хайдаров, Рустам Ғойипов, Аҳрор Усмонов каби хонандалар шулар жумласидандир. Бир сўз билан айтганда Шерали Жўраев ўз кўшиқчилик мактабини ярата олди...

Ўзбекистон халқ артисти Ортиқ Отажонов Хоразм кўшиқчилик мактабининг дарғаларидан Комилжон Отажоновнинг шогирди ҳисобланади. Унинг овози драматик тенор бўлиб, жуда ёқимли тембрга эга. 1975 йилларда ижро қилган “Кечалар”, “Шўх-шўх ўйнар эдик”, “Умр ўтар” каби кўшиқлари аллақачон мухлислари қалбидан ўчмас жой олган. Ўктам Аҳмедов, Каримбой Раҳмонов, Қўзибой Отажонов сингари истеъдодли кўшиқчилар унинг шогирдлари саналади. Бир сўз билан айтганда Ортиқ Отажонов ҳам ўзига хос кўшиқчилик мактабини ярата олган.

Ўзбекистон халқ артисти Камолиддин Раҳимов ҳам 1970 йилларда ўзбек кўшиқчилик санъатига кириб келди. “Баҳорим бор”, “Интизор этма”, “Кўчамдан жонон ўтганда”, “Келмаганингда”, “Қошингиз қаросиму”, “Наргиз” каби дилтортар кўшиқлари унга беқиёс шуҳрат келтирди. Бу кўшиқчи ўзининг камтарлиги ва хуш одоби билан эл назарига тушиб, сахнада ҳам шахсий ҳаётда ҳам кўпчиликка ибрат бўла олди. Ушбу ҳофиз ҳам бошқа кўшиқчиларидан ўз ижро услуби билан яққол ажралиб туради.

Хулоса қилиб шуни таъкидламоқчимизки, XX аср бошларида кўшиқчиликнинг мақом, катта ашула, дostonчилик ва фольклор турлари мавжуд бўлган бўлса, кейинчалик уларнинг сафига опера, мусиқали драма, эстрада ва анъанавий кўшиқчилик турлари қўшилди. Европадан кириб келган баъзи чолғу созларидан аккордеон, кларнет, электр гитара ҳамда урма, зарбли чолғу созлари анъанавий кўшиқчиликда жўрнавоз сифатида қўлланила бошлади.

Бундан ташқари радио ва телевидениянинг шарофати билан, Ўзбекистонга хинд, араб, эрон, озарбайжон ва турк мусиқаси кириб келди.

Улардан ўз янги кўшиқларини яртишда фойдалана бошлашди. Шунинг эътиборга олиб, мазкур даврдаги кўшиқчиликни анъанавий эмас, балки оммавий кўшиқчилик деб атасак тўғрироқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Т.Е. Соломонова. Ўзбек музыкаси тарихи Тошкент, “Ўқитувчи” 1981 й.
2. С. Маннопов. Ўзбек халқ мусиқа маданияти . Тошкент “Янги аср авлоди” 2004 й.

Ўзбек мусиқали драма кўшиқчилиги.

XX аср бошларидан юртимизда пайдо бўлган мусиқали драма жанри 1960 70 йиллари ўзининг юқори чўққиларига кўтарилди. Бир қатор мусиқали драма кўшиқчилари ўзларининг ажойиб овозлари билан театр санъати шинивандаларига танилдилар. Маълумки мусиқали драммаларда асар гоёсини очиб беришда ария ва дуэтлар хор ҳамда анъсанбларнинг ўрни катта бўлиб улар асарнинг муваффақиятини белгилашади. Ана шу даврда Суръат Пўлатов Наима Пўлатов Толибжон Бадинов Бахтиёр Ихтиёр Хобиба Охунова Маърифат Убайдуллаева Фароғат Рахматова Муроджон Ахмедов Жалолхон Охунов сингари Ўринбой Нуралиев каби кўплаб мохир кўшиқчи актёрлар етишиб чиққани фикримиз далили бўла олади. Мусиқали драмаларни яхши чиқишида композиторларнинг махорати асосий ўрин эгаллайди. Таниқли композитор Манас Левиев томонидан Тошболта ошиқ асарига ёзилган ариялар айниқса томошабинларга жуда ёқиб тушди. Машхур артист Соип Хўжаев ижросидаги куралай кўз деб бошланадиган Тошболта арияси ҳамда у қойилмақом қилиб ижро қилган роли уни халқ орасида Тошболта лақабини олишига сабаб бўлди. Сурат Пўлатов ижро қилган Тешабой арияси ҳам халқ орасида машхур бўлди. Наима Пўлатова ижросидаги Каромат арияси ҳам кўпчиликка маъқул келди. Ўша йиллари мусиқали драма артистлари Муроджон Ахмедов Толибжон Бадинов Жалолхон Охунов Хобиба Охунова Ўринбой Нурраалиев каби кўшиқчилар мусиқали драмаларда ажойиб кўшиқлар ижро қилиш билан бирга ўзларининг лирик кўшиқлари орқали эл орасида талайгина мухлислар ортиришди. Ўзбекистон халқ артисти Хобиба Охунованиннг ажойиб кўшиқчи бўлиб етишиб чиқишида Тўхтасин Жалилов яратган Тохир ва Зухра Нурхон мусиқали драмаларидаги арияларнинг ўрни ижобий бўлди. Ўзбекистон халқ артисти Ўринбой Нуралиев ҳам мусиқали драмаларда ариялар ижроси орқали мохир кўшиқчи бўлиб етишди. 1950 йилларда иқтидорли актриса Шаходат Рахимова Муқимий номи Ўзбек Давлат мусиқали ролларни яратди

драма театрида ишлаб ўнлаб жонли ва хаётий образлар яратди. У яратган Зухра Ширин Обида Санам каби жозибали таъсирчан роллар кўпчиликини ҳамон ёдида. Хуш овоз хонанда Эй дилбари жононим Энди сендек Дилором Интизор Ушоқ каби кўшиқлари мухлислар орасида жуда машхурдир. Ўзбек мусиқали драммаси ривожига ўзининг муносиб хиссасини қўшган санъатчиларидан бири Ўзбекистон халқ артисти Махмуджон Ғофуровдир. У 1939 йили Муқимий номли театрда актёр сифатида иш бошлайди. 1941 йили Собир Абдуллантинг Тохир ва Зухра спектаклида аввал Қодир кейинчалик Тохир роларини ижро қилди. Нурхонда Хайдар, Қурбон Умаров асарларида Қурбон Умаров роларини ўйнаб халқ орасида аста секин танила бошлади. Афсонавий қахрамонларга хос ташқи қиёфага эга бўлган актёрнинг Тохир образини мохирона ижро этиши томошобинларга ғоят манзур бўлди. Бу ролнинг муваффақиятли чиқиши унга катта шуҳрат келтирди. Тохирни ман ман деган ижрочилардан кейин учинчи бўлиб ўйнади. Халқ Тохир деб Махмуджонни таниди. Махмуджон бақувват овоз соҳиби мактаб кўрган сахнага ярашадиган, сахна учун туғилган актёр халқнинг бахти деган эди Халима Носирова. 1953 йили Махмуджон Ғофуровни тажриба алмашиш учун Наманган, Андижон, Фарғона, Бухоро. Самарқанд, театрларига ишга юборилади. У ана шу жомоларда бир неча мусиқали драммаларни сахналаштиради. Мусиқали драма актёри, атоқли хонанда Толибжон Бадинов ижоди 1950 йиллари бошланди. Андижоннинг чувала қишлоғига гастролга келган Ўш театри раҳбарларига ўша кезлари ёш йигит бўлган Толибжоннинг овози ёқиб қолганидан, уни ўзлари билан жомоага кўшиб Ўшга олиб кетишади. Шу тарзда Ўш театрида кичик ролларни ижро қилиш билан у ўз ижодини бошлайди. 1959 йили радиога бир неча кўшиқларни ёздириб шинавандалар орттиради. Театрда Мажнун, Тохир, Азиз, Моний, Бахтиёр каби бош ролларни ижро этади. 1964 йилда Муқимий номли театрга ишга ўтади. Буерда Махмуджон Ғофуров, Турсуной Жафарова каби санъатчиларидан сабоқ олади. Бу театрда Фарход, Муқимий, Аваз ролларини ижро қилиб кўпчилик санъат мухлисларига манзур бўлди. Аббос Бакиров номли

Андижон театри актрисаси Марифат Убайдуллаева Наманган санъат билим юртини тамомлаб, Наманган вилоят театрига ишга киради. Ушбу театрда Нурхон, Зухра, Камола. Ширин каби ролларни ижро қилади. 1961 йилдан бошлаб Андижон вилоят театрига ишга ўтади. Бу ерда Жамила, Зулхумор, Зайнабхон роларини ижро қилди. У баракали меҳнатлари учун 1983 йили Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлди.

Ўзбек опера кўшиқчилари

Таниқли опера, миллий ашулачилик санъати номояндаси Саодат Қобулова 1925 йили Марғилонда туғилди. У 1954 йили Москвадаги Ўзбек опера студиясида ўқиди. 1969 йили Тошкент Давлат консерваториясини тамомлади. Ўзбек мусиқаси мероси ва миллий ашула санъатининг асл намуналарини Тўхтасин Жалилов, Ғанижон Тошматов ва Жўраҳон Султоновлардан ўрганган бўлса, Москвада Белявская, Гольдман каби устозлардан опера бўйича таълим олди. С Қобулова санъатдаги фаолиятини жуда эрта 1939 йилда Марғилон совхоз театрида бошлади. 1940-1948 йиллари Муқумий театрида ишлади. Собир Абдулланинг Тохир ва Зухра мусиқали драмасида Қамар ролини, Комил Яшининг Нурхон асарида Нурхон образини яратди. С Қобулова 1954 йилда Алишер Навоий номидаги Опера ва балет театрига яққохон кўшиқчи сифатида ишга ўтиб, дастлаб Т Содиқов, Р Глиэрнинг Лайли ва Мажнун операсида Лайли партиясини ижро қилди. Кейинчалик Маша, Зухра, Хури, Санобар ролларини ижро этиб, етакчи кўшиқчилар қаторига кирди. Айниқса .у ижро қилган Дилором, Ойхон, Хури партиялари ҳар томонлама мукамаллиги билан кўшиқчига шуҳрат келтирди. С Қобулова ўзбек актрисаларидан биринчи бўлиб чет эл опера асарларида рус тилида бош роларни моҳирона ижро қилди. Ж Биззенинг Марварид изловчилар, Ж Пуччининг Чио чио сан, Ж Росининг Севиля сартароши, Вердининг Риоголетта, Чайковскининг Иоланта операларида бош ролларни ижро қилиб русий забон томошабинларга манзур бўлди. С Қобулова Европа ва Осиё халқлари рус, украин, чех, тожик, озарбежон, арман, мўғил ва бошқа халқларнинг мароқ билан ижро этган.